

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASINING
QARORI**



**ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

« II » **Февраль** 2019 у.

№ II2

Toshkent sh.

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига
қўшимчалар киритиш тўғрисида**

**(Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қимматбаҳо металлларни
олтин изловчилар усулида қазиб олиш фаолиятини амалга ошириш учун
шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”
2018 йил 26 ноябрдаги ПҚ–4030-сон қарори)**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қимматбаҳо металлларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш фаолиятини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 26 ноябрдаги ПҚ–4030-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига қўшимчалар киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

3. Ушбу қарор 2019 йил 1 мартдан бошлаб кучга киради.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси раиси Б.Ф. Исламов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил ~~II феврал~~даги ~~II2~~сон қарорига
илова

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 январдаги 6-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2011 йил, 1-сон, 3-модда) билан тасдиқланган Хусусий тадбиркорлар юридик шахс ташкил этмасдан шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турлари рўйхатининг IV бўлими куйидаги мазмундаги 85-банд билан тўлдирилсин:

“85. Қимматбаҳо металлларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш”.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 15 августдаги 225-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2013 й., 8-сон, 55-модда) билан тасдиқланган Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги руҳсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар рўйхатининг рус тилидаги матнида “Действие и (или) определенная деятельность, для совершения и (или) осуществления которых необходим документ разрешительного характера” устунининг 68-позицияси “добычи полезных ископаемых” сўзларидан кейин “старательской добычи драгоценных металлов” сўзлари билан тўлдирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 27 апрелдаги 315-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси тўғрисидаги низомнинг 11-банди “ж” кичик бандининг иккинчи хатбоши “фойдали қазилмаларни қазиб олиш” сўзларидан кейин “қимматбаҳо металлларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш” сўзлари билан тўлдирилсин.

